

МУНДАРИЖА

I. Корхона тўғрисида умумий маълумот

1.1 Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти);

1.2 Корхона тарихи, охириги йилларда эришган ютуқлари;

1.3 Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати;

1.4 Корхона ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот;

1.5 Кадрлар сиёсати, ишчи-ходимлар, жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя;

1.6 Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу жумладан халқаро бозордаги мақеи;

II. Корхонани ислоҳ қилиш

III. Бозор ва маркетинг режаси

3.1 Рақобат

3.2 Маркетинг режаси

IV. SWOT-таҳлили

V. Энерго ресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи

VI. Кўрсаткичлар

6.1 Ишлаб чиқариш режаси

6.1.1. Хомашё захираси;

6.1.2. Тайёр маҳсулотнинг асосий тавсифлари

6.1.3. Жорий (2 йиллик) ишлаб чиқариш ҳолати

6.1.4. Ишлаб чиқариш ва сотиш режаси

6.2 Молиявий режа

6.2.1. Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси (бюджети)

6.2.2. Соф фойдани тақсимаши

6.2.3. Корхона томонидан амалга ошириладиган ҳомийлик ёрдамлари тўғрисида маълумот

6.2.4. Кредиторлик ва дебиторлик қарздорликлар

6.2.5. Давлат бюджетига тўловлар

VII. Самардорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI)

VIII. Иш хақи тўлаш тизими

I. Корхона тўғрисида умумий маълумот

1.1. Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти)

Янги-Кўқон кимё заводи (яъни «Кўқон биокимё» АЖ) 1983 йилда ишга туширилди. Корхонада асосан Сульфат кислотаси (500 минг.тн/йил) ва аммофос (163,5 минг.тн/йил) маҳсулот турлари ишлаб чиқарилган.

Корхона 1989 йилгача бўлган ўғит ишлаб чиқариш фаолияти даврида атроф-мухитни ифлослантирганлиги сабабли тухтатилди ва қайтадан ихтисослаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.01.1991 йилдаги 131-Р-буйруғига асосан корхона маҳаллий буғдойдан, спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган озуқа озуқа спиртини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонунига, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 ноябрдаги 511 - сонли “2000 - 2001 йилларда хорижий инвесторларни жалб қилган холда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарорига, Кўчмас мулк ва инвестициялар агентлигининг хулосасига ҳамда “Кўқон” ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат жамоасининг аризасига биноан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб қувватлаш давлат қўмитасининг 2000 йил 10 октябрдаги 153 к - ПО - сонли буйруғига асосан “Кўқон” ишлаб чиқариш бирлашмаси “Кўқонспирт” очик акциядорлик жамиятига айлантирилди. 2020 йил 20 июндаги акциядорларнинг умумий йиғилиш қарорига асосан Жамиятнинг фирма номи “Кўқонспирт” АЖдан “QO’QON BIOKIMO” акциядорлик жамиятга ўзгартирилди.

Қайта ихтисослаштирилган корхонанинг биринчи навбати 1995 йилда ишга туширилди ва унинг ишлаб чиқариш қуввати йилига 1642,8 минг декалитр ташкил қилган эди. 2000 йилда эса корхонанинг иккинчи навбати ишга туширилиб, озуқа спирти ишлаб чиқариш қуввати 821,4 минг декалитрни ва жами 2464,2 минг дални ташкил этди. 2012 йилда Ҳукуматимизнинг саноат корхоналарни модернизация қилиш дастурига мувофиқ, Италиянинг “Frilli Impianti” ва “MDT” корхоналаридан сотиб олинган спирт ишлаб чиқариш технологиялари биринчи навбат спирт ишлаб чиқариш цехида эски ускуналарни ўрнида ишга туширилди. Натижада ишлаб чиқариш қуввати йилига 2828,9 минг декалитрга етказишга эришилди. 2015 йилда биринчи навбат спирт ишлаб чиқариш цехида навбатдаги модернизация дастурига мувофиқ Италиянинг “Frilli Impianti” компаниясидан олинган янги спирт ишлаб чиқариш линияси ўрнатилди. Натижада корхонанинг спирт ишлаб чиқариш линиялари тўлиқ янгиланди ҳамда ишлаб чиқариш қувватлари сезиларли даражада ортди. Бугунги кунда лойиҳавий ишлаб чиқариш қуввати йилига 4020,0 минг декалитрни ташкил этади.

Ҳозирги кунда “QO’QON BIOKIMO” акциядорлик жамияти Ўзбекистон ва Ўрта Осиё худудидаги, озуқа озуқа спирти ишлаб чиқарувчи корхоналари орасида энг йириги ҳисобланади.

Корхонанинг ривожланиш тарихи, сўнгги йилларда эришган ютуқлари, амалга оширилган муҳим ишлар, корхона фаолиятида муҳим бурилишлар содир озуқа ишига сабаб бўлган омиллар ёки фаолияти ёмонлашишига олиб келган омиллар кўрсатилиши лозим.

Жамият юрудик шахс бўлиб, тўлиқ харажатларни ҳисобга олиш ва ўзини ўзи молиялаштириш асосида ишлайди, мустақил баланс ва банкда ҳисоб рақамга эга.

Реквизитлар :Ўзсаноатқурилишбанк Қўқон филиали ИНН 200126834

Жамиятда спирт ишлаб чиқариш бинолари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- *Дон қабул қилиш ва қайта ишлаш бўлими*
- *Пишириш ва қандлаштириш бўлими*
- *Совутиш бўлими*
- *Ачитқи тайёрлаш бўлими*
- *Бижгитиш бўлими*
- *Спирт қуйилиш бўлими*
- *Спирт қабул қилиш бўлими*
- *Спирт сақлаш бўлими*
- *Спирт сотиш бўлими*
- *Барда бўлими*
- *Қозонхона бўлими*
- *Хизмат кўрсатиш учун маиший бинолар ва бинолар.*

Ишлаб чиқариш узликсизлигини таъминлаш учун қуйидаги асосий хом ашё ва материаллар талаб қилинади:

- *буғдой;*
- *ферментлар;*
- *формалин;*
- *хлор қўшимчаси;*
- *сулфат кислота ва бошқа қўшимча материаллар.*

Асосий ишлаб чиқаришда буғдой ва бошқа ёрдамчи хом ашёлар биржа савдолари орқали сотиб олинади.

“QO’QON BIOKIMYO” АЖ фаолиятини асосини буғдой хом ашёсидан озуқали озуқа спирти ва глютен ишлаб чиқариш ҳисобланади.

**“QO’QON BIOKIMYO” AJ korxonasi
ПАСПОРТИ**

01.01.2021 йил

Корхона раҳбари	Абдуллаев Икром Исроилович
Корхонанинг манзили	Фаргона вилояти, Қўқон шаҳар, Муқимий шаҳарчаси
Телефон рақами, электрон почтаси	73-5154100, kokandbiokimyo@mail.ru
Хизмат кўрсатувчи банки	ЎзСҚБ Қўқон филиали
Корхона ташкил этилган йил	1995 й.
Модернизация қилинган ёки техник жиҳатдан қайта жиҳозланган йил	2012-2015 йй.
Мулк шакли	Акциядорлик жамияти
Устав фонди миқдори	71 508 990 672
Таъсисчилари (акциядорлар)	“O’zbekiston temir yo’llari” AJ-99,68%
	Бошқа акциядорлар -0,32%
Ер майдони	24,72 га
Ишлаб чиқаришга ихтисослашган майдон	18,2 га
Шу жумладан ишлаб чиқаришда фойдаланилаётгани	12,44 га
Корхонанинг йиллик қуввати (Маҳсулот турлари бўйича)	Озуқа этил спирти 4 020 минг дал, глютен (клейковина) 8000 тн.
Ишлаб чиқарилаётган Маҳсулот турлари	3 хил: “Люкс”, “Альфа” навли спиртлар ва глютен
Маҳсулот сотилиш бўйича бозор	Ички ва ташқи бозор
Корхонада ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг ишлаб чиқарилган йили	2012-2015 йй. ва 2019 й.
Ишчи-хизматчиларнинг умумий сони	788
Шулардан:	Эркаклар 661 та, аёллар 127 та

	Ўртача ойлик иш хаки	3046,1 минг сўм
Мухандислик коммуникация тармоқларининг мавжудлиги ва таъминланганлиги		
	Темир йўлга уланганлиги	мавжуд
	Трансформатор подстанцияси	мавжуд
	Газ таъминоти	мавжуд
	Сув ва канализация тармоги	мавжуд
	Автогараж	мавжуд
2020 йилда ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган ресурсларга йиллик эҳтиёж		
	Маҳсулот турлари бўйича	
	Озуқа этил спирти	2 266,5 минг дал
2021 йилда ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган ресурсларга йиллик эҳтиёж		
	Электр энергияси	26 600 минг квт/соат
	Табиий газ	25 969 минг куб/метр
	Ичимлик суви	3 500 минг куб/метр
	Бошқа хом-ашёлар (бугдой)	81 000 тн.
2021 йилда ишлаб чиқариладиган Маҳсулот хажми (прогноз)		
	Маҳсулот турлари бўйича	
	Озуқа этил спирти	2 450 минг дал

Ишчилар сони

№	Кўрсаткичлар	Жумладан			
		1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
	Жами ишчи-ходимлар сони, шу жумладан:				
1.	Марказий аппарат ходимлари сони шундан, маъмурий бошқарув ходимлари	27	27	27	27
2.	Таркибий тузилмаларда ишлайдиган ишчи-ходимлар сони	79	79	79	79
3.	Ишчилар сони	587	587	587	587
	жами	788	788	788	788

1.2. Корхона тарихи, охирги йилларда эришган ютуқлари

Ўзбекистон ҳукумати томонидан ижтимоий-иқтисодий йўналишда амалга оширилаётган сиёсат халқ фаровонлигини юксалтириш, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Аввало, ушбу вазифани амалга оширишнинг асосий омилларидан бири – мамлакатда саноатни ривожлантириш йўли билан халқимизнинг турмуш даражасини янада яхшилашни таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Натижада иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш, ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичлари ўсишига эришиляпти ва бунга яққол мисоллардан бири “QO’QON BIOKIMYO” акциядорлик жамиятида Ўрта Осиё худудида энг катта бўлган озуқа озуқа спирти ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлигидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонунига, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 ноябрдаги 511 - сонли “2000 - 2001 йилларда хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарорига, Кўчмас мулк ва инвестициялар агентлигининг хулосасига ҳамда “Кўқон” ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат жамоасининг аризасига биноан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб қувватлаш давлат қўмитасининг 2000 йил 10 октябрдаги 153 к – ПО - сонли буйруғига асосан “Кўқон” ишлаб чиқариш бирлашмаси “Кўқонспирт” очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилди. 2020 йилда “Кўқонспирт” акциядорлик жамиятининг фирма номи “QO’QON BIOKIMYO” акциядорлик жамияти этиб ўзгартирилди.

Қайта ихтисослаштирилган корхонанинг биринчи навбати 1995 йилда ишга туширилди ва унинг ишлаб чиқариш қуввати 1642,8 минг декалитр йилига ташкил қилган эди. 2000 йилда эса корхонанинг иккинчи навбати ишга туширилиб, озуқа озуқа спирти ишлаб чиқариш қуввати 821,4 минг декалитрни ва жами 2464,2 минг дални ташкил этди. 2012 йилда Ҳукуматимизнинг саноат корхоналарни модернизация қилиш дастурига мувофиқ, Италиянинг “Frilli Impianti” ва “MDT” корхоналаридан сотиб олинган спирт ишлаб чиқариш технологиялари биринчи навбат спирт ишлаб чиқариш цехида эски ускуналарни ўрнида ишга туширилди. Натижада ишлаб чиқариш қуввати йилига 2828,9 минг декалитрга етказишга эришилди. 2015 йилда биринчи навбат спирт ишлаб чиқариш цехида навбатдаги модернизация дастурига мувофиқ Италиянинг “Frilli Impianti” компаниясидан олинган янги спирт ишлаб чиқариш линияси ўрнатилди. Натижада корхонанинг спирт ишлаб чиқариш линиялари тўлиқ янгиланди ҳамда ишлаб чиқариш қувватлари сезиларли даражада ортди. Бугунги кунда лойиҳавий ишлаб чиқариш қуввати йилига 4020,0 минг декалитрни ташкил этади.

1.3. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати

“QO’QON BIOKIMYO” АЖнинг спирт ишлаб чиқариш цехининг лойиҳавий қуввати йилига 4020,0 минг дални ташкил этади.

Дондан спирт олиш технологик жараёнида дон крахмалини ферментацавий гидролиз қилишда, иссиқ сув обработкасидан ўтган ва ачитишдан ҳосил бўлган шакар дрожжаси асосида олинади.

Ишлаб – чиқаришда дондан ректификатланган озуқа спиртини олиш куйидагича:

- Подработочный бўлими, элеватордан тозаланган донни қабул қилиб, уни майдалаб ун ҳолатида қайнатгичларда қайнатиб олади.
- Пишириш бўлими, дон хом – ашёсини қайнатиб олиш учун мўлжалланган.
- Хамиртуруш бўлими, ишлаб – чиқариш хамиртурушларини олишга мўлжалланган.
- Ачитиш бўлими, совитиб шакарлаштирилган массани ачитиш учун мўлжалланган.
- Аппарат бўлими, брагоректификацион қурилмаларини ёқиб ачитқини, эпюрацион, ректификацион колонна дефлегматорлари, конденсаторлари ва холодильниклари орқали озуқа спиртини ректификатлаб хайдаб беради.
- Куйиш бўлими, аппарат бўлимидан спиртни ўлчагич ва йиғиш группалари орқали қабул қилиб ва 1,5 кунлик захира йиғишга мўлжалланган.
- Спирт сақлагичлар ва чиқариш бўлими, спиртни сақлаш, бош озуқа спирти фракциясига мўлжалланган (ЭАФ). Спирт сақлаш омборхонасидан спирт-ректификат, ЭАФ автоулов ёки темир йўл орқали харидорларга жўнатилади.
- Барда тарқатгич бўлими, бардани аппарат бўлимидан қабул қилиб олиб уни истеъмолчиларга сотади.

Ишлаб – чиқаришни электроэнергия, иссиқлик, сув, хом–ашё, ферментлар билан таъминловчи ёрдамчи цехлар мавжуд, яъни (электртаъминот, иссиқлик таъминот, сув таъминот ва канализация, фермент препарат цехи, элеватор хўжалиги, углекислота цехи).

Корхонанинг ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш ҳолати кўрсатилади. Бунда корхонанинг фаолият йўналишидан келиб чиқиб, қувватидан фойдаланиш даражаси (фоизи), шунингдек, маҳсулотлар кесимида, мавжуд қувватдан максимал даражада фойдаланишга эришиш имконини бермаётган омиллар, уларни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чоралар батафсил ёритилади.

Ишлаб чиқариш қувваатидан фойдаланиш даражаси

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Қуввати	Қувватдан фойдаланиш			
				2020 й.	%	2021й.	%
1.	Озуқа озуқа спирти	дал	4 020	2 266,5	56,4	2 450	60,9
2.	Глютен (клейковина)	тн.	7 200	404,2	5,6	2 200	30,6
жами						-	-

1.4. Корхона ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот;

Корхонанинг ташкилий тузилмаси (схема)

Жамиятни бошқариш 5 кишидан иборат ижроия органи томонидан амалга оширилади:


Бошқарув раиси: - И.И. Абдуллаев

Бошқарув аъзолари: - Сотув ва маркетинг бўйича директор - М.А. Умаров

- Молия бўйича директор - М.З. Зайнетдинов

- Ишлаб чиқариш бўйича директор - Б.И. Каримов

- Стратегик режалаштириш ва бизнесни ривожлантириш бўлими бошлиғи - Ж.К. Абдурасулов.



1.5. Кадрлар сиёсати, ишчи-ходимлар, шу жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя

Жамият ва унинг тизимидаги ташкилотларда кадрлар сиёсати қай тарзда йўлга қўйилгани хақида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин. Жумладан:

Корхонада жами штат бирликлари - 788 киши.

Ходимларни ишга қабул қилиш асосан меҳнат шартномаси асосида доимий ва меҳнат битими асосида мавсумий тартибда амалга оширилади.

Ишчи ва хизматчилар мутахасислар малакаси бўйича талаблар ISO бўйича бўлиб, ходимлар малакасини ошириш чора - тадбирлари, унга сарфланган маблағлар йилдан йилга талабга қараб амалга оширилади.

Жамият томонидан ишчи ходимларга соғлиғини тиклашга ва ижтимоий қўллаб қувватлаш учун пул мукофотлари, кузги - қишги мавсумларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаб борилади.

Корхонанинг бошқарув органлари тўғрисида маълумот

№	ФИШ	Ловозими (иш жойи), фаолият кўрсатиш даври	Корхонадаги улуши
I. Акциядорлар (иштирокчи, мулкдор)			
1.	“O‘ZBEKISTON TEMIR YO‘LLARI” AJ		Акциядорлар: <ul style="list-style-type: none"> ▪ Йирик акциядорлар – “O‘ZBEKISTON TEMIR YO‘LLARI” AJ – 99,68% (69 475 966 дона акция) ▪ Бошқа акциядорлар – 0,32% (220 906 дона акция)
II. Кузатув кенгаши аъзолари			
1.	Омонов Хайитбай Ахмадалиевич	Кузатув кенгаши раиси.	“Ўзбекистон темир йўллари” AJ бошқарув раисининг ўринбосари в.б,
2.	Абидов Акмал Джурабаевич	Бош мутахассис	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш, коммуникация ва муҳофаа саноати масалалари котибияти
3.	Одилов Фаррух Баходирович		“Ўзбекистон темир йўллари” AJ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари.
4.	Саидова Феруза Анваровна		“Ўзбекистон темир йўллари” AJ персонални бошқариш ва кадрларни тайёрлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари.
5.	Ишимов Зоир Очилдиевич		“Ўзбекистон темир йўллари” AJ молия

			бошқармасининг маълумотларни таҳлил этиш бўлимизмати бошлиғи.
6.	Мамасидиқов Мухсинжон Мусаҷонович		“Ўзбекистон Темир йўллари” АЖ соғлиқни сақлаш хизмати бошлиғи.
7.	Юсупов Фарход Рузмаматович		“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ юридик бошқармаси бошлиғи ўринбосари.
8.	Юсупходжаев Асил Ағзамович		“Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” ДК бош директорининг биринчи ўринбосари в.в.б.
9.	Ғаниев Баҳромжон Ғани ўғли		“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раисининг ёрдамчиси.

III. Ижроия органи

1.	Абдуллаев Икром Исроилович	Бошқарув раиси, (2020 йилдан)	-
2.	Умаров Мақсуд Ахмадалиевич	Сотув ва маркетинг бўйича директор (2020 йилдан)	-
3.	Зайнетдинов Мадазим Зинатович	Молия бўйича директор (2020 йилдан)	-
4.	Каримов Бахтиёр Ибрагимович	Ишлаб чиқариш бўйича директор (2020 йилдан)	
5.	Абдурасулов Жамол Камилович	Стратегик режалаштириш ва бизнесни ривожлантириш бўлими бошлиғи (2020 йилдан)	

1.6. Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу жумладан халқаро бозордаги мақеи

Давлатимиз сиёсатида турли саноат тармоқларини яратишга ва импорт ўонини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган мавжуд саноат тармоқларни ривожлантиришга қаратилган.

Мавжуд ва янги саноат тармоқларини реконструкция қилиш ва техник жихатдан қайта жихозлаш маҳаллий бозорларни талабга эга бўлган маҳсулотлар билан тез тўйинтиришга бошқа тармоқлар учун хом ашё базасининг кўпайишига маҳсулот сифатининг сезиларли даражада ошишига транспорт харажатларининг пасайиши ва йўқотишларнинг пасайишига талабни ўзгартириш учун мослашувчан шароитлар яратишга бўлган ёндашувлар ишлаб чиқарилган маҳсулотга катта боғликлиги катта аҳамиятга лойиқдир.

Озуқа этил спиртини йиллик ишлаб чиқарилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган баланс асосида белгиланиб, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги томонидан чораклар кесимида ишлаб чиқариш графиги тузилади.

Жамият асосий ва иккиламчи маҳсулотларини сотиш истиқболлари мавжуд вазият ва ривожланиш тенденциялари билан белгиланади. Жамият томонидан ректификацияланган озуқа спирти карбонат ангидрид ва чорвачилик учун озуқа бозори (барда) маҳсулотлари истеъмолчиларга шартнома асосида сотилади.

Корхонанинг хусусияти республика иқтисодиётидаги (жойлашган ҳудуд) ўрни аҳамияти ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг стратегик аҳамияти, шунингдек халқаро бозордаги мақеи ёритилади.

- Озиқ-овқат саноати;
- Фармацевтика компаниялари;
- Парфюмерия корхоналари;
- Тиббиёт муассалари;
- Антисептик ишлаб чиқарувчилар.

Маҳсулот сотиш бўйича жамият тўғридан - тўғри шартнома тузиш ва тўғридан тўғри сотиш ҳуқуқига эга эмас, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги томонидан бериладиган наряд асосида шартнома тузган ҳолда сотиш белгиланган.

II. Корхонани ислох қилиш

Жамиятнинг асосий мақсади:

- Маҳсулот сифатини яхшилаш.
- Ходимларни қайта тайёрлаш.
- Ҳар доим юқори ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичларни таъминлаш.
- Ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш.
- Эски жиҳозларни ўз вақтида янгилаш.
- Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва реконструкция қилиш.

Юқорида келтирилган мақсадни амалга ошириш жамият ишлаб чиқариш самарадорлигини шу билан бир қаторда харажатларни қисқартиришга ва маҳсулот сифати бўйича ички бозорда рақобатни шакллантиришга муҳит яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 23 июлдаги 4787 - сонли “Ўзбекистон Республикаси алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 23 июлдаги ПФ - 6033 - сонли “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини тартибга солиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармониغا асосан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги томонидан “Қўқон биокимё» АЖ 2021 йил мобайнида жамият ўз маблағлари ҳисобидан озуқа спирти ва глютен ишлаб чиқаришда ўлчов ускуналарини ва ҳисобга олиш ахборот тизимига ахборот узатувчи бошқа ҳисобга олиш ва қайд этиш воситаларини ўрнатиш вазифаси топширилган. Шу билан бир қаторда 2021 йилдан бошлаб, озуқа спирти ва глютен нархини давлат томонидан тартибга солишни бекор қилиш, шунингдек, озуқа спирти ва глютенни реализация қилиш тизимига бозор механизмларини жорий этиш ишларини амалга ошириш режа қилинган. Бу ҳаракатлар жамият иқтисодий ривожланиши эркин нарх белгилашига олиб келиб, ички бозорда шаффоф рақобатни шаклланишига олиб келади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда қулай инвестициявий муҳитни яратиш, хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, давлат улуши сақланиб қолаётган айрим тармоқлар ва йирик корхоналарда бозор механизмларига ўтишнинг кечикаётганлиги янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, илғор технологияларни жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, хусусий капитални фаол жалб қилган ҳолда янги иш ўринлари яратишга тўсқинлик қилмоқда.

Давлат иштирокидаги корхоналарда истеъмолчиға йўналтирилган замонавий бошқарув усуллари, очиклик, шаффофлик ва бозор тамойилларини жадал жорий этиш, таннархни пасайтириш орқали даромадларни ошириш, ислохотлар жараёнида хусусий капитал иштироки учун кенгроқ имкониятлар яратиш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва рақобат муҳитини янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислох қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора - тадбирлар тўғрисида”ги Фармониға асосан “Қўқон биокимё” АЖ ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда корпоратив бошқарув ва молиявий аудит жорий этиш, операцион самарадорлиги ошириш, жамиятда трансформация қилиш жараёнлари билан биргаликда улар фаолият юритадиган соҳада бозор муносабатлари тамойилларига тўлиқ ўтишни ўрганиш,

рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда хусусий секторни жалб қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ишларини биргаликда амалга ошириш режалаштирилган.

Корхонанинг истиқболли ривожланиш стратегияси да 2021 йилда амалга ошириладиган ишлар ва эришиладиган натижалар кўрсатилади.

Корхонани ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, ислоҳ қилишдан мақсад, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари), уларнинг бажарилиши ҳолати, ислоҳ қилиш туфайли эришиладиган натижалар, жумладан, 2021 йилда амалга оширилиши режалаштирилган чора-тадбирлар белгиланади.

III. Бозор ва маркетинг режаси

Ҳисобот даврида барча ишлаб чиқарилган асосий ва иккиламчи маҳсулотлар Ўзбекистон Республикаси истеъмолчиларига сотиш режалаштирилган, истеъмолчилар билан алоқалар узоқ муддатли шартномалар асосида курилади, унда этказиб беришнинг жадвали ва муддатлари, шу жумладан нарх муносабатлари белгиланади.

Мижозлар билан муносабатлар барқарор ва кутилган маҳсулотни ишлаб чиқаришни ва маҳсулотлар сотилишини таъминлайди.

Шартномалар ҳар чоракда спирт сотиш ярмаркасида истеъмолчилар билан белгиланган тартибда бевосита тузилади.

Нарх конъюктураси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тартибга солинади.

Савдо бўлинмасига маркетинг ва маркетинг фаолияти учун масъулият юкланади, унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- асосий ва иккиламчи маҳсулотлар учун бозор баҳосини кузатиб бориш, таклиф ва таклиф конъюктураси ва саноатни тартибга солиш соҳасида давлат сиёсатидаги ўзгаришлар;

- мижозлар билан узоқ муддатли шартномавий муносабатларни ўрнатиш ва уларга хизмат кўрсатиш.

2021 йилдан нархлар жамият томонидан эркин белгиланиши ҳукумат томонидан таъкидланганини инобатга оладиган бўлсак, бу озуқа спирти ва глютен ишлаб чиқарувчилар учун кескин шаффоф рақобатни юзага келтиради.

3.1. Рақобат

“QO’QON BIOKIMYO” АЖнинг асосий ички бозордаги рақобатчилари Тошкент шаҳрида “Бектемир-спирт экспериментал заводи” АЖ, Андижон шаҳрида “ANDIJON BIOKIMYO” АЖ, Тошкент вилоятида “BIOKIMYO” АЖ заводлари мавжуд. Корхонанинг рақобатчилари (республика ичида ва ташқарисида) тўғрисида, уларнинг сони, ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулотлари нархи, бозордаги улуши, уларнинг маҳсулотлари билан корхона маҳсулоти ўртасидаги фарқ, устунлик томонлари ва бозордаги рақобат билан боғлиқ бошқа маълумотлар кўрсатилади. “Қўқон биокимё” АЖ спирт ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринларда туради. Жумладан, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг баъзи давлатларида жамият томонидан ишлаб чиқарилаётган спирт маҳсулотининг нархи қуйидагича:

№	Мамлакат	Маҳсулот номи	Манбаа	Сумма (сўм)
1	Россия	Спирт	http://Pulsken.ru	10 085,45
2	Украина	Спирт	http://prom.ua	15 011,02
3	Казахстан	Спирт	http://Satu.kz	9 000,00

3.2. Маркетинг режаси

Бозор иқтисодиёти, рақобатчилик ва маркетинг

Корхонанинг асосий маҳсулоти ГОСТ 5962-67 асосида алкоголи 96,2 % бўлган дондан олинадиган олий даражада тозаланган ректификатланган озуқа спирти ҳисобланади. “QO’QON BIOKIMYO” АЖнинг йиллик спирт – ректификатини ишлаб-чиқариш қуввати 4020,0 минг дални ташкил этади. “Қўқон биокимё” АЖ корхонасининг асосий рақобатдошлари “Андижон Биокимё заводи” АЖ бўлиб унинг йиллик қуввати 1,6 млн.дал ва Янгийўлдаги “Биокимё” АЖ бўлиб унинг йиллик қуввати 1,6 млн.дални ташкил этади. Шунингдек чет эл инвестицияси иштирокидаги “Бектемир спирт экспериментал заводи” АЖ ҳам рақобатдош ҳисобланади. Рақобатдошликни ушлаб туриш учун корхона маҳсулоти сифатини, ишлаб – чиқариш технологияларини яхшилаш ва ишлаб – чиқариш ҳаражатларини камайтириб, озуқа озуқа спиртини таннархини камайтиришдир.

Асосий маҳсулот бўлган олий даражада тозаланган озуқа спирти ректификатини марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган ҳолда сотилади. Ички бозорда маҳсулотнинг асосий истемолчилари “Ўзшаробсаноат” АЖ корхоналари, дорихона бошқармаларидир. Корхонанинг тайёр маҳсулотининг ташқи бозордаги қисман рақобатбардошлиги хорижий ҳамкорлар билан шартномалар тузишга имкон яратмоқда. Озуқа спиртини чиқариш бўйича асосий ҳамкорлар Ўрта Осиёдаги қўшни давлатлардир.

Маҳсулот нархи қилинган ҳаражатлар ва корхонанинг нормал фаолият кўрсатиб ишлашига имкон беради. Маҳсулот нархи, хом – ашё нархидан, ишлаб – чиқариш қувватларидан ва бошқалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Тузилган хўжалик шартномаларни, маҳсулот етказиб беришни назоратга олиб туриш тақсимот бўлимига юклатилган. Харидорлар учун қулайликлар яратиш мақсадида, шу жумладан хорижий инвесторлар учун “Қўқон биокимё” АЖ молиявий-иқтисодий фаолияти билан бевосита танишиш учун корхона ўз сайтига эга бўлган, унинг манзили: www.kokandbiokimyo.uz.

Ушбу сайтда барча хоҳловчиларга корхона молиявий - хўжалик фаолияти ҳақида маълумотлар ўзбек ва рус ва инглиз тилларида батафсил ёритилмоқда. Таклифлар учун жамият электрон почта манзили берилган: kokandbiokimyo@mail.ru

Корхона юқори экспорт потенциалига эга бўлиб ташқи ҳамкорлар ва инвесторлар билан ишлаш имкониятига эгадир. Корхона ўз имкониятларини кенгайтириш мақсадида хорижий ҳамкорлар билан ўзаро келишилган ҳолда ташқи иқтисодий алоқалар ўрнатиш устида ишламоқда. Агарда биржа савдоларида буғдой нархи ўзгаришсиз қоладиган бўлса, жамият буғдой маҳсулотини Қозоғистон республикаси ва Россия давлатининг шимолий ҳудудларидан импорт килишни режалаштирган. Бунга сабаб спирт ишлаб чиқаришда таннархнинг 75-85%ни буғдой нархи ташкил этади. Агар бу хом ашё қанчалик арзон нархда сотиб олинса, таннарх пасайиши ва ишлаб чиқариш максимал даражага кўтарилишига сабаб бўлиб, экспортга шароит яратилиши режага олинган. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан спирт маҳсулоти нархлари тасдиқлангани сабабли “QO’QON BIOKIMYO” АЖнинг нархлари “Бектемир-спирт экспериментал заводи” АЖ, “ANDIJON BIOKIMYO ZAVODI” АЖ ва “BIOKIMYO” АЖларга нисбатан бир дал учун катта фарқ қилмаслигини таъкидлаш мумкин. Жамият бу заводларга нисбатан энг ишлаб чиқариш қуввати баланд заводлардан ҳисобланади.

IV. SWOT-таҳлили

“QO’QON BIOKIMYO” AJ SWOT таҳлили

	Куч-қувват (Кучли томонлар-жамиятнинг афзалликлари) 1. малакали кадрлар 2. сифат назорати 3. ходимлар қўнимсизлигининг камлиги 4. харажатлар камлиги 5. барқарор молиявий ҳолат	Заиф томонлари-жамиятнинг заиф томонлари): 1. бошқарув қарорларини қабул қилишнинг коллегиял тамойили
Имкониятлар-экологик омиллар) 1. барқарор талаб	- малакали кадрлар ва уларнинг қўнимсизлигининг камлиги бозорда рақобатбардош бўлишга имкон беради;	- бозорда аниқ сегментлашнинг йўқлиги корхона учун бўш жойни танлаш имконини беради.
Таҳдидлар 1. рақобат; 2. рақобатчилар паст нархларда сотишни таклиф қилишлари мумкин;	- маҳсулот турларини кенгайтириш энг юқори талабларга жавоб берадиган ишлаб чиқариш жараёнлари даражаси ва самарадорлигини оширишга олиб келади	

V. Энергоресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи

Жамият тўлик электр энергия билан таъминланган. Жамият томонидан 2010 - 2020 йиллар давомида кўплаб инвестиция лойиҳаларини амалга оширилганлиги, электр энергия сарфи 2000 дал маҳсулот бирлиги учун анча иқтисод қилинаётганлиги таъкидлаш мумкин. Жамият томонидан маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳар бир харажат ўзининг махсус тасдиқланган нормаларига эга. Жумладан, электр энергияси, газ, сув сарфлари учун белгиланган 2000 дал спирт ректификати учун нормалар тасдиқланган. Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган охириги нархларда 1000 дал спирт ректификати учун электр энергия сарфи 4958,10 кВт соат этиб белгиланиб, унинг 1 кВт учун 446 сўм ҳисобланган. Жамият маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига қараб электр энергия сарфи ўзгариб боради.

VI. Кўрсаткичлар

6.1. Ишлаб чиқариш режаси

6.1.1. Хомашё захираси

“QO’QON BIOKIMYO” AJ 2021 йилда 2450 минг дал. озуқали спирт ва 2 200 тн. глютен ишлаб чиқаришни режа қилган. Бу ишлаб чиқариш ҳажми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2021 йилда озуқали спирт ва глютен ишлаб чиқариш баланси тасдиқланишига қараб ўзгариши мумкин. Жамиятнинг ишлаб чиқариш қуввати йилига 4 020 минг дални ташкил этади. Йил давомида Виночиликни ривожлантириш агентлиги томонидан берилган нарядга қараб ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши мумкин.

Жамият томонидан ишлаб чиқариш белгиланган тасдиқланган шароитда амалга оширилиши тартибга солинган. Жамият белгиланган ишлаб чиқариш хажмидан келиб чиқиб келаси йилга хом ашё режасини амалга оширади. Жамият ишлаб чиқариш жараёнини тўғри олиб бориш бўйича махсус норма асосида фаолият олиб боради. Ишлаб чиқариш учун керакли барча ишлатиладиган хом ашёлар 4 200 дал спирт ишлаб чиқариш учун белгилаб қўйилган. Асосий хом ашё биржа савдоларида сотиб олиниб, шартнома шартларига кўра етказиб берилади. Жамиятда асосий хом ашё буғдой маҳсулоти бўйича охириги йилларда кўплаб муаммоларга дуч келимоқда. Бунга сабаб биржа савдоларида буғдой нархларини кескин ошиб кетиши ва турли ҳудудлардан жуда кам миқдорда савдоларга қўйилишидир. Бу ҳолатлар маҳсулот таннари кескин ошишига сабаб бўлмоқда.

Биржа савдолари орқали сотиб олинган кўплаб маҳсулотлар етказиб берувчилар томонидан ўз вақтида етиб келмасликка ёки белгилаб қўйилган маҳсулот ўрнига бошқа маҳсулот олиб келишга бу эса ишлаб чиқаришга тўғридан тўғри салбий таъсир кўрсатишига олиб келмоқда.

Жамият захираси 15 - 20 кунлик режа асосида олиб борилмоқда. Бунга сабаб хом ашё миқдорини тўғри тақсимланмаганлигида. Жамият томонидан биргина таклиф шундан иборатки спирт ишлаб чиқарувчи жамиятлар учун биржа савдоларида аниқ ва алоҳида савдо платформаларни ташкил этиш ёки алоҳида ҳар бир жамият учун наряд асосида элеваторларда буғдой сотиб олишни йўлга қўйиш. Импорт масаласида эса жамиятлар тўғридан тўғри буғдой сотиб олиш учун харидлар тўғрисидаги шартларни тўсқинлик қилиши сабаб бўлмоқда.

6.1.2. Тайёр маҳсулотнинг асосий тавсифлари

Ректификацияланган озуқа спирти ишлаб чиқаришнинг якуний маҳсулотидир ва 1,2,3,4 - сонли ўзгартиришлар билан ГОСТ 5962 - 67 талабларига жавоб беради.

Ушбу стандарт алкоғолли пиво маҳсулотларини дистиллаш ёки ГОСТ 9353 - 90 буғдойдан ишлаб чиқарилган озуқа спиртининг ректификацияси натижасида олинган озуқа спиртига нисбатан қўлланилади.

Ректификацияланган озуқа спирти, тозалаш даражасига қараб, қуйидаги “Альфа”, “Люкс”, “Экстра”, “Олий навли” навларида ишлаб чиқарилади.

Озуқа спирти ўзига хос хид ва аччиқ таъмга эга, жуда гигроскопик ва сувни ҳаводан ўсимлик ва ҳайвон тўқималаридан интенсив равишда қабул қилади. Сув, эфир, глицерин, бензин ва бошқа органик эритувчилар билан исталган нисбатда аралашади.

Озуқа спирти озиқ - овқат саноатида алкоғолли ичимликлар тайёрлашда, виноларни маҳкамлашда, оксидлардан мисни қайтарувчи восита сифатида ишлатилади. Бундан ташқари, алкоғол бўёк ва лак, чарм, электрон, кимёвий, тиббий парфюмерия, фармацевтика ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилади.

Ҳозирги вақтда жамиятда жамият томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий тури буғдойдан ишлаб чиқарилган бижғитиш йўли билан олинган дондан ректификация қилинган озуқа спирти ҳисобланади. Тозалаш даражасига қараб ратификацияланган озуқа спирти қуйидаги навларда ишлаб чиқарилади: “Экстра”, “Люкс” ва “Алфа”. Органолептик хусусиятлар бўйича у ГОСТ – 5962 - 67 га тўғри келади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг доимий сифат назорати корхонанинг техник назорати лабораторияси ва барча турдаги маҳсулотларга мувофиқлик сертификатини берган орган сифатида инспекция назорати томонидан корхона ҳудудида жойлашган “Ўзстандарт” лабораторияси томонидан амалга оширилади. Озиқ - овқат озуқа спирти наъмуналари мутахассислар томонидан

хроматографик усул билан текширилиб, юқори сифатли деб топилди.

Буғлойдан спирт ректификати ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган буғдой чиқиндиси ҳамда барча иккиламчи маҳсулоти чиқиндилари - фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озиклантириш учун ишлатилади.

6.1.3. Жорий (2 йиллик) ишлаб чиқариш ҳолати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 апрелдаги ПҚ – 4679 - сон “Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар харажатларини мақбуллаштириш юзасидан уларнинг бизнес-режаларини танқидий қайта кўриб чиқиш белгиланган бўлиб, Жамият томонидан 2020 йил учун белгиланган бизнес-режа қайта кўриб чиқилди. Қайта кўриб чиқилган бизнес режага кўра Жамият томонидан 2020 йил давомида 2475,0 минг дал жами 325,5 млрд.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш белгиланган. Жамият томонидан пандемия шароитида спиртга бўлган талабни ортиши бўйича қўшимча ишлаб чиқариш мунтазам назоратга олиниб, истеъмолчилар талабларини ўрганиб ҳамда Ўзбекистон республикаси Бош вазири топшириқларини ўз вақтида амалга ошириш юзасидан спирт ишлаб чиқариш миқдори 2 000 минг далга ошиши кутилмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб Жамият 2021 йилда ишлаб чиқаришни 2 450 минг дал этиб белгилашни режа қилиб 360,3 млрд.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши режа қилинмоқда.

**“QO’QON BIOKIMYO” AJning 2021 йил учун ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш
РЕЖАСИ**

№	Кўрсаткичлар, бajarилadиган ишлар, маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Лойиха қуввати	Қувватдан фойдаланиш				Режа		Шундан				Ўсиш/ камайи ш,%
				2019 й.	%	2020й.	%	2021й .	%	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	
I. Корхона бўйича														
1.	Озуқа спирти	Дал	4 020	2 344	58,3	2 266,5	56,4	2 450	60,9	480	475	670	825	108,1
2.	Глютен	Тн.	7 200	62,9	5,2	404,2	5,6	2 200	30,6	500	500	600	600	499,5
жами														

**“QO’QON BIOKIMYO” AJning 2021 йил учун ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш
РЕЖАСИ**

№	Кўрсаткичлар, бajarилadиган ишлар, маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Шундан				Ўсиш/ камайиш,%
			1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	
1.	Озуқа этил спирти	минг сўм	62 537,2	61 885,8	87 291,5	107 485,8	108,1
2.	Глютен	минг сўм	7 000	7 000	8 400	8 400	499,5
жами							

6.1.4. Ишлаб чиқариш ва сотиш режаси

“QO’QON BIOKIMYO” AЖнинг 2021 йил учун ишлаб чиқариш
РЕЖАСИ

№	Кўрсаткичлар, бajarиладиган ишлар, маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	2019й. (факт)	2020й. 9- ойлик (факт)	2020й.		2021й. (режа)	Ўсиш, %	Жумладан			
					режа	кутилаё тган			1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
I. Корхона бўйича												
4.	Озуқа спирти	Дал	2 344	1 520,1	2 475	2 270	2 450	107,9	480	475	670	825
5.	Глютен	Тн.	62,9	186,8	1 400	800	2 200	275,0	500	500	600	600
жами												

“QO’QON BIOKIMYO” AЖнинг 2021 йил учун ишлаб чиқариш
РЕЖАСИ

№	Кўрсаткичлар, бajarиладиган ишлар, маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Шундан				Ўсиш/ камайи ш, %
			1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	
1.	Озуқа спирти	Минг сўм	62 537,2	61 885,8	87 291,5	107 485,8	108,1
2.	Глютен	Минг сўм	7 000	7 000	8 400	8 400	499,5
жами							

**“QO’QON BIOKIMYO” AJning 2021 йил учун ишлаб чиқариш
РЕЖАСИ**

Маҳсулот Номи	Ед.ед.	ҚҚС ва аксиз солиғисиз жорий нархларда маҳсулот ишлаб чиқариш			ҚҚС ва аксиз солиғи билан жорий нархларда маҳсулот ишлаб чиқариш		
		Миқдори	Нарх	Минг сўм миқдорида	Миқдори	Нарх	Минг сўм миқдорида
